

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИДА
МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ НУТҚИЙ ЖАНРИ КИРИШ
ҚИСМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Жўраев Араббой Раҳмиддин ўғли

Андижон Иқтисодиёт ва

қурилиш институти тадқиқотчиси

Инглиз тилида ўқув адабиётларидаги миннатдорчилик билдириш нутқий жанрининг матний композицион тузилишини ўрганишда, аввало, инглиз тилидаги ўқув адабиётларида муаллифнинг ташаккур сўзи *Acknowledgements* деб номланиб, алоҳида саҳифа сифатида ажратилиши ва китобнинг бошқа қисмларидан миннатдорчилик билдириш жумласининг мустақиллигини алоҳида таъкидлаш керак.

Инглиз тили ўқув адабиётларидаги миннатдорчилик билдириш нутқий жанрининг кириш қисми ўзига хос бўлиб, ушбу қисм адресантни *мен* олмоши орқали кўрсатилиши ва унинг мажхул нисбат шакллари ифодалаб келишлиги билан характераланади. Инглиз тили ўқув адабиётларида миннатдорчилик билдиришнинг кириш қисмида *I am deeply grateful to, I am indebt to, I want to thank, I would (particularly) like to thank, I would like to express my gratitude to ..., I would like to express the deepest appreciation to, I'd like to express my deepest thanks to..., I would like to extend my deepest gratitude to..., I would like to pay my special regards to ... , I'm extremely grateful to ..., This project would not have been possible without...* каби жумлалар билан бошлаш оммавийлашган шакллардир.

Кириш қисм миннатдорчилик билдиришнинг биринчи босқичи бўлганлиги сабабли унда адресант шахсининг кўрсаткичлари адресантни каби тўлиқ ёзилмайди. Инглиз тилида миннатдорчилик билдиришда адресантнинг исми шарифи ҳеч қайси қисмда мавжуд бўлмайди, китобнинг бош сарлавҳасида ифодаланган исми шарифларнинг ўзи етарли ҳисобланади. Аммо ўзбек тили ўқув адабиётларида муаллифнинг миннатдорчилик билдириш сўзи алоҳида саҳифа сифатида белгиланмаганлиги сабабли сўзбоши ёки муқаддима ёки аннотациядан сўнг келтирилиши ҳолатлари кузатилади. Агар миннатдорчилик сўзбоши ёки муқаддима қисмларда ифодаланса, сўз боши ва муқаддиманинг муаллифи ўқув адабиёти қоидасига биноан ушбу қисмнинг охирига жойлаштирилади. Одатда, ўзбек ўқув адабиётларида сўз боши ва



мукаддиманинг якуни сифатида миннатдорчилик билдириш нутқий жанри келтирилади.

Инглиз тилида *Acknowledgements*, яъниминнатдорчилик сўзининг кириш қисмидаги матнлар кичик микроматн сифатида қуйидагича шаклланади:

1) *Acknowledgements*²⁶

We would like to express our deep gratitude to all the people and organizations who have had an immediate impact on this book.

2) *Acknowledgements*²⁷

Acknowledgements are made to the following for their permission to reproduce the following copyright material BBC, for extract from a BBC Radio 4 programme, ‘Tuesday Call’, broadcast on 9 November 1982.

3) *Acknowledgements*²⁸

*The authors and publishers are grateful to the following for permission to use copyright material in Grammar for English Language Teachers 2 **Edition**.*

4) *Acknowledgements*²⁹

We would like to thank the hundreds of ESL and English composition colleagues who have generously shared their ideas, insights, and feedback on second language writing, university English course requirements, and textbook design.

5) *Acknowledgments*³⁰

I wish to thank the following people who assisted in field testing:

Ўзбек тилида эса миннатдорчилик билдириш сўз боши ва мукаддима қисмларининг якунида келишлиги билан характерланади. Масалан,

1. СЎЗ БОШИ³¹:

Автор ушбу рисолаининг нашр қилинишига ёрдам берган Андижон Давлат педагогика институтининг ректори проф. А. К. Қосимовга, ректор уринбосари К.Ф. Парпиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

2. КИРИШ³²

²⁶ D.Chiesa., U.Azizov, S. Khan, K.Nazmutdinova, K.Tangirova. Reconceptualizing language teaching: An in-service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.

²⁷ Discourse and Language Learning: A Relational Approach to Syllabus Design, Winifred Crombie, Oxford University Press 1985

²⁸ Grammar for English Language Teachers, With exercises and a key, Second edition Martin Parrott 2000

²⁹ Great Writing, FOURTH EDITION, Keith S. Folse, April Muchmore-Vokoun, and Elena Vestri Solomon 2014

³⁰ Beyond true stories.

³¹ А. Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари хақида, Андижон – 1980й,

³² К. Юнусов. Социология ўқув қўлланмаси, Андижон шаҳри, 1998 йил, 5-бет, ум: 141



Муаллиф кўлланмани тайёрлашда ўзларининг кимматли маслахатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус мактаблари муаммолари институти гуманитар таълим ва тарбия бўлими профессор М.К. Орипов ва Фарғона ДУ социология бўлими бошлиғи профессор Т. Абдуллаевларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Шуни айтиш керакки, миннатдорчилик билдириш агар ўқув адабиётининг бағишлов қисмида келса, бунда миннатдорчилик билдириш миннатдорчилик сўзи воситасида эмас, бағишлов воситасида келишлиги муносабати билан ўз ёрдамини аямаган, лекин китоб нашригача вафот этган шахсларни ифодалаш, бу кишиларга нисбатан ҳурматнинг энг эқори кўрсаткичи сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, инглиз тилида:

DEDICATION

To John Eckersley, who first encouraged my interest in this kind of thing³³.
ўзбек тилида:

Диний атамалар лугатидан: Авваламбор, ушбу лугатни тузишда бизни илк бора илҳомлантирган ҳамфикр дўстимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ёрқин хотираларига бағишлаймиз³⁴.

Шу жиҳатларига кўра бағишлов ва миннатдорчилик билдиришни сўзловчининг ҳурматини ифода қилувчи ўқув нутқий жанрлари сирасига киритиш мумкин. Сўзловчининг ҳурматини ифодалаб келувчи ўқув нутқий жанрларига миннатдорчилик билдириш, бағишлов, дастхат кабиларни киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. D.Chiesa.,U.Azizov, S. Khan, K.Nazmutdinova, K.Tangirova. Reconceptualizing language teaching: An in-service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.
2. Discourse and Language Learning: A Relational Approach to Syllabus Design, Winifred Crombie, Oxford University Press 1985
3. Grammar for English Language Teachers, With exercises and a key, Second edition Martin Parrott 2000
4. Great Writing, FOURTH EDITION, Keith S. Folse, April Muchmore-Vokoun, and Elena Vestri Solomon 2014
5. Beyond true stories.

³³Michael Swan Practical English Usage, OxfordUniversityPress, 2005, VI

³⁴М. Эшон Умархўжа. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоғли лугат. Гафур Гулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, Тошкент, 2016, 2-14 бетлар (220 бет)



6. А. Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари хақида, Андижон – 1980й,
7. К. Юнусов. Социология ўқув қўлланмаси, Андижон шаҳри, 1998 йил, 5-бет, ум: 141
8. Michael Swan practical english usage oxford universiny press, 2005, VI
9. М. Эшон Умархўжа. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоғли луғат. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2016, 2-14 бетлар (220 бет)
- 10.

